

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАЛАРИ МОДУЛИ**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи:**

**Тошкент – 2015**

## **МУНДАРИЖА**

<b>ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....</b>	<b>3</b>
<b>МАЪРУЗА.....</b>	<b>12</b>
Республика қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш ҳолати ва истиқболлари .....	12
Технологик жараёнларни марказлаштирилган назорат ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари .....	14
<b>АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ.....</b>	<b>24</b>
Қишлоқ ва сув хўжалигига қўлланиладиган ёритиш хамда нурлатиш қурилмалари.....	24
<b>ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....</b>	<b>33</b>

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”  
Тармоқ маркази директори  
С.С.Гулямов  
“\_\_\_\_\_” 2015 йил**

**ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАЛАРИ  
ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Қишлоқ хўжалигини элетрлаштириш ва автоматлаштириш ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан дарс берувчи педагоглар учун

**Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқарни жараёнларини автоматлаштиришининг долзарб масалалари**

Модулнинг ўкув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўкув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2015 йил 7 январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

**Тузувчилар:** п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ хузуридаги тармоқ маркази директори

п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- ЎзМУ хузуридаги минақавий марказ директори

т.ф.д. проф. А.Раджабов - ТошДАУ “Қишлоқ хўжалиги электр энергетикаси ва электротехнологиялари кафедраси” кафедраси профессори

т.ф.н. доц. А.Вахидов - ТошДАУ “Қишлоқ хўжалиги электр энергетикаси ва электротехнологиялари кафедраси” кафедраси мудири

**Тақризчилар:** т.ф.д. проф. М.Шаумарова - ТошДАУ “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедраси профессори

т.ф.н. доц. А.Камилов - ТошДАУ “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедраси доцент

Ўкув дастурлари Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгashiда тавсия қилинган ( 2014 йил 27-ноябрдаги 7-сонли баённома ).

## **Кириш**

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Олий таълим муассасалари “Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, қўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойихалаш, педагог кадрларининг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

### **I. Модулинг мақсади ва вазифалари**

**“Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг долзарб масалалари” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини гидротехниканинг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш қўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг долзарб масалалари” модулининг вазифалари:**

- Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг долзарб масалалари фанларини ўқитиш жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;

- тингловчиларнинг ветеринария фанининг долзарб масалаларидаги таҳлил этиш қўникма ва малакаларини шакллантириш;

- фан бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини

ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

## **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

“Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг долзарб масалалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- Қишлоқ хўжалигини элетрлаштириш ва автоматлаштириш йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини;
- Қишлоқ хўжалигини элетрлаштириш ва автоматлаштириш йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновацияларни;
- Қишлоқ хўжалигини элетрлаштириш ва автоматлаштириш соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- Қишлоқ хўжалигини элетрлаштириш ва автоматлаштириш йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни;
- Қишлоқ хўжалигини элетрлаштириш ва автоматлаштириш йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини билиши керак.
- Қишлоқ хўжалигини элетрлаштириш ва автоматлаштириш йўналиши фанларидан электрон ўқув материалларини яратা олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- Қишлоқ хўжалигини элетрлаштириш ва автоматлаштириш йўналиши педагогларида касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Амалий электротехника масалаларини комплекс ечишда инновацион технологиялар”, “Энергия ва ресурслар тежамкорлигига оид мавзуларни илғор педагогик технологиялар асосида ёритиш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг долзарб масалалари муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бүйіча соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				
			Жамы	Назарий	Амалий	Машғулот	Күчма
1.	Республика қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини автоматлаштириш ҳолати ва истиқболлари	2	2	2			
2.	Технологик жараёнларни марказлаштирилган назорат ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари	2	2	2			
3.	Қишлоқ ва сув хұжалигыда құлланыладиган ёритиш хамда нурлатыш қурилмалари	2	2		2		
	<b>Жами:</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>2</b>		

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу: Республика қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини автоматлаштириш ҳолати ва истиқболлари (2-соат).**

**Реже:**

1. Қишлоқ ва сув хұжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг хусусиятлари.
2. Автоматика воситалари ва уларнинг асосий күрсаткичлари.

Қишлоқ ва сув хұжалигидаги ишлаб чиқариш жараёнлари мураккаб ахборот алмашинуви ва жараёнларига эга бўлиб, улар турли қўринишларда берилиши мумкин. Бу эса шу соҳада қўлланувчи машина ва ускуналарнинг маҳсус иш режимларига мос тушмай қолиши, оқим линиялардаги ишлаб чиқариш жараёнларини тўхтаб қолиши, машина ва механизмларнинг иш режимларининг бир-бирига мос тушмай қолишига олиб келиши мумкин.

Қишлоқ ва сув хұжалигининг яна бир муҳим хусусиятлардан бириулардагитехника ва қурилмаларнинг катта майдонларда жойлашгани ва таъмирлаш базасидан узоқлиги, ускуналарнинг кичик қувватга эга эканлиги, иш жараёнининг мавсумийлиги ҳисобланади. Жараёнлар ҳар куни маълум цикл бўйича қайтарилишига қарамай, машиналарнинг умумий иш соатлари нисбатан кам ҳисобланади.

**2-мавзу: Технологик жараёнларни марказлаштирилган назорат ва  
автоматлаштирилган бошқарув тизимлари (2-соат).**  
**Режа.**

1. Умумий тушунчалар
2. Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарув тизимлари

Марказлаштирилган назорат тизими (МНТ) тушунчаси диспетчерлик пунктида ўрнатыладиган марказлашган махсус қурилмаларида назорат натижаларини күрсатған ҳолда технологик жараёнлар күрсаткичларини автоматик равишда назорат қилишни англаради.

Марказлаштирилган назорат натижалари бүйіча “одам-оператор” ишлаб чиқарып жарёнынни бориши ва унга ўзgartырышлар киритиш түғрисида қарорлар қабул қиласы. Қабул қилинған қарорлар асосида хизмат күрсатаётгандай ходим ёки оператор орқали марказлаштирилган бошқарув қурилмаси ёрдамида ёки бошқарып қурилмаларини қўллаган ҳолда жарён автоматик равишда амалга оширилади.

Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини технологик жараёнлари мураккаблиги ва кўп қирралилиги сабабли марказлаштирилган назорат тизимлари ва марказлашлган бошқарув қурилмалари орасидаги алоқа асосан “оператор-диспетчер” орқали амалга оширилади.

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ.**

**1-Мавзу: Қишлоқ ва сув хұжалигыда қўлланиладиган ёритиш  
хамда нурлатиш қурилмалари (2-соат).**  
**Режа:**

1. Ёритгичларнинг таснифлари ва асосий тавсифлари.
2. Кишлок ва сув хужалигыда қўлланиладиган нурлатгичлар.

Кўпгина ёруғлик манбалари катта ёрқинликка эга бўлганликлари учун кўзни уларнинг қамаштиришидан химоя қилиш талаб қилинади. Бундан ташқари ёруғлик манбалари, одатда ўзининг ёруғлик оқимини хар томонга тарқатгани учун уни ёритилаётгандай юзага йўналтириш керак бўлади. Кўпинча ёруғлик манбаларини механиқ шикастланишдан ва атроф мухитнинг салбий таъсиридан химоя қилишга тўғри келади. Бу вазифаларини бажариш учун ёритиш қурилмалари ишлатилади. Ёритиши қурилмалари деб ёруғлик манбаи ва уни ўрнатиш, тармоққа улаш, ёруғлик оқимини тенг тақсимлаш, кўзни қамаштиришдан чеклаш, механик шикастланиш ва атроф-мухит таъсиридан сақлаш учун мўлжалланган ускуналар йигиндишига айтилади.

Объектларни ёритишга мўлжалланган ва улардан анча ўзок бўлмаган масофада жойлашган (ёруғлик асбоби ўлчамидан 20 марта кичик) ёритиш қурилмасига ёритгич дейилади ундан ўзокроқ жойлашганига эса-пројектор.

## **КҮЧМА МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Бу фан бўйича кўчма машғулотлар назарда тўтилмаган.

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Парранда хонада электр хавфсизлик бўйича чораларини ишлаб чиқиш.
2. 50 бош сигир ва 200 бош бузокга мўлжалланган молхонада қувват коэффициентини ошириш.
3. Сабзавот сақлаш омборхонада технологик жараёнларни автоматлаштириш.
4. Парранда хонада қувват коэффициентларни ошириш.
5. Сабзавот сақлаш омборхонасида қувват коэффициентни ошириш.
6. Аррали жинлаш цехида қувват коэффициентини ошириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш.
7. Парранда хонада электр хавфсизлик бўйича чораларини ишлаб чиқиш.
8. Иссиқхонада электр хавфсизлик бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқиш.
9. Ичимлик суви билан таъминловчи насос станциясида энергия тежовчи чораларни ишлаб чиқиш.
10. Суғориш насос станциясида энергия тежовчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.
11. Дехкончилиқда ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва мавзуни ўқитишида таълим технологиялари методларидан фойдаланиш.
12. Иссиқхонада технологик жараёнларини автоматлаштириш ва мавзуни таълим технологиялари асосида ўқитиши.
13. Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва сервис тизими жараёнларини автоматлаштириш ва мавзуни ўқитишида таълим технологиялар методларидан фойдаланиш.
14. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш жараёнларини автоматлаштириш ва мавзуни ўқитишида таълим технологиялар методларидан фойдаланиш.
15. Насос станцияси технологик жараёнларини автоматлаштириш ва мавзуни таълим технологиялари методлари асосида ўқитиши.
16. Сув тозалаш жараёнларини автоматлаштириш ва мавзуни таълим технологиялари методлари асосида ўқитиши.
17. Дон маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштириш ва мавзуни ўқитишида таълим технологиялар методларидан фойдаланиш.
18. Пахта тозалаш заводлари технологик жараёнларини автоматлаштириш ва мавзуни ўқитиши методикасини ишлаб чиқиш.
19. Чорвачилик ва паррандачилиқда технологик жараёнларни автоматлаштириш ва мавзуни таълим технологияси методлари асосида ўқитиши.

20. Қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларини энергия билан таъминлаш жараёнини автоматлаштириш ва мавзууни замонавий таълим технологиялари асосида ўқитиши.
21. АСМ тармоқларида энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари (насос станциялар мисолида).
22. Насос стансияни ёритиш тизимини қуёш батареяларидан фойдаланиб энергия тежаш чора тадбирлари.
23. Насос стансияни ёритиш тизимини қуёш батареяларидан фойдаланиб энергия тежаш чора тадбирлари.
24. Товуқхона иситиш шамол латиш тизими учун электрокалорифер ҳисоби мисолида курс ишини бажариш бўйича намуна.
25. Электр таъминоти тизимларда энергия исрофини камайтириш чора-тадбирлари.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ**

1. Иброхимов У. Электр машиналари, Ўқитувчи, 1988й.
2. Мажидов С. Электр машиналари ва электр юритма. Ўқитувчи, 2002й.
3. М.М.Кацман М. Электр машиналари ва трансформаторлар. Ўқитувчи. –Т. -1976. 408 б.
4. збекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
5. Раджабов.А Ибрагимов М. Бердышев А. Энергия тежамкорлик асослари (ўқув қўлланма) ).- Тошкент.: ТИМИ босмахона,2008.-108б.
6. Клычев.Ш.И., М.Мухамадиев и.другие. Нетрадиционные ивоздновляемые источники энергии.-Т.:Изд-во „Fan va texnologiya, 2010, 192 стр.
7. А.Раджабов, А.Д.Рахматов, А.Х.Вохидов. "Мутахассисликка кириш" ўқув қўлланма - Т.: ТошДАУ типографиси, 2008 й.-86 б.
8. A.X Vaxidov, D. Abdullaeva. Avtomatikaning texnik vositalari. – Т.: “Fan va texnologiy”, 2012, 192 bet.
9. A.X Vaxidov. Avtomatika asoslari va ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish. – Toshkent.: “Cho’lhon”, 2014, 260 bet.
- 10.Р.Т.Газиева, А.Вахидов ва бошқалар. Технологик жараёнларни автоматлаштириш. – Тошкент, “Билим”, 2003 йил.
- 11.Бородин И. Ф. , Андреев С.А. Автоматизация технологических процессов и системы автоматического управления. – Москва: Колос, 2006 г.

- 12.. Раджабов.А Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш асослари (коллежлар учун ўқув қўлланма) ).- Тошкент.: Иқтисод-Молия наширёти 2010. .180 б.
- 13.2. Раджабов.А Ташев.Э.Ж Қишлоқ хўжалиги электр таъминоти (коллежлар учун ўқув қўлланма) ).- Тошкент.: Иқтисод-Молия наширёти 2010 .141 б.
- 14.3.** Шоумарова М., Абдиллаев Т., Раджабов А. Иссиқхона хўжаликларини механизациялаш ва автоматлаштириш (коллежлар учун ўқув қўлланма).- Тошкент.: Иқтисод-Молия наширёти, 2012 .118 б.
- 15.4. Попкович Г.С. , Гордеев М. А. Автоматизация систем водоснабжения – Москва: Высшая школа, 1986 год.
- 16.5. A.X.Vaxidov va bosh. Avtomatikaning vositalari va ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish. – T.: «CHo'lpon», 2012 - 160 b.
- 17.6. D.Alijanov, A.Vaxidov va bosh. Parrandachilik xo'jaliklarini mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish. – T.: «Davr nashriyoti», 2012 - 208 b.
- 18.7. Бохан Н.И., Нагорский Автоматизация механизированных процессов в растениеводстве. -М.: Колос, 1992 - 176 с.
19. 8. Махмудова И.М., Салохиддинов А.Т. Қишлоқ ва яйловлар сув таъминоти. – Тошкент: ТИҚХМИ, 2002.

## **МАЪРУЗА.**

### **Республика қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш ҳолати ва истиқболлари.**

#### **Режа:**

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг хусусиятлари.
2. Автоматика воситалари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари.

**Таянч иборалар:** афтоматлаштириши, афтоматика, электромеханик, термоелектрик, пневмоелектрик, фотоелектрик.

### **1. Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг хусусиятлари**

Қишлоқ ва сув хўжалигидаги ишлаб чиқариш жараёнлари мураккаб ахборот алмашинуви ва жараёнларига эга бўлиб, улар турли кўринишларда берилиши мумкин. Бу эса шу соҳада қўлланувчи машина ва ускуналарнинг маҳсус иш режимларига мос тушмай қолиши, оқим линиялардаги ишлаб чиқариш жараёнларини тўхтаб қолиши, машина ва механизмларнинг иш режимларининг бир-бирига мос тушмай қолишига олиб келиши мумкин.

Қишлоқ ва сув хўжалигининг яна бир муҳим хусусиятлардан бири улардаги техника ва қурилмаларнинг катта майдонларда жойлашгани ва таъмирлаш базасидан узоқлиги, ускуналарнинг кичик қувватга эга эканлиги, иш жараённинг мавсумийлиги ҳисобланади. Жараёнлар ҳар куни маълум цикл бўйича қайтарилишига қарамай, машиналарнинг умумий иш соатлари нисбатан кам ҳисобланади. Демак, бу соҳада қўлланувчи автоматлаштириш воситалари турли кўринишларга эга бўлиб, нисбатан арzon, тузилиши жиҳатидан содда, ишлатишга қулай ва ишончли бўлиши керак. Бундай шароитда автоматлаштириш воситалари аниқ ва ишончли ишлаши лозим, чунки бундай жараённи табиатан тўхтатиб, узиб қўйиб бўлмайди.

Қишлоқ ва сув хўжалигига қўлланувчи қурилма ва ускуналарнинг кўпчилигига хос бўлган хусусиятлардан бири уларнинг ташқи муҳит билан боғлик ҳолда очиқ ҳавода ишлашидир: намлик ва ҳароратни кенг майдонда ўзгариши, турли аралашмалар, чанг, қум, агресив газлар ҳамда сезиларли тебранишларнинг мавжудлиги. Қишлоқ ва сув хўжалигига саноатдан фарқли равища юқоридаги талаблардан келиб чиқиб автоматлаштириш воситалари ташқи таъсирларга чидамли, параметрларини кенг диапазонда ўзгарувчи қилиб ишланиши зарур.

Бу эса лойиҳалаштирилаётган обьектдаги техник воситаларнинг ишдан чиқишини камайтириш, юқори аниқликда ишлашини таъминлаш имкониятини беради. Кўрсатилган хусусиятлар энг аввал ташқи муҳит билан боғлик шароитда ишловчи машиналарда ўрнатилган бирламчи ўзгартириклир, ижро механизмлари, назорат асбоблари ва бошқа техник воситаларга таъсир этади. Қолган автоматлаштириш воситаларини алоҳида

хоналар ёки ташқи мухитта чидамли бўлган маҳсус шкафларда ўрнатиш мумкин.

## 2. Автоматика воситалари ва уларнинг асосий қўрсаткичлари

Автоматика элементи деб ўлчанаётган физик катталикни бирламчи ўзгартурувчи мосламага айтилади. Автоматика элементлари тизимнинг энг асосий қисми бўлиб, қуйидаги функциялардан бирини бажаради:

- назорат қилинаётган ёки ростланаётган катталикни қулай кўринишдаги сигналга ўзгартириш (бирламчи ўзгартгич - датчиклар);
- бир энергия кўринишидаги сигнални бошқа энергия кўринишдаги сигналга ўзгартириш (электромеханик, термоэлектрик, пневмоэлектрик, фотоэлектрик ва хакозо ўзгартгичлари);
- сигнал табиатини ўзгартирмасдан унинг катталикларини ўзгартириш (кучайтиргичлар);
- сигналнинг кўринишини ўзгартириш (аналог-рақам, рақам аналог ўзгарткичлари).
- сигналнинг формасини ўзгартириш (таққослаш воситалари),
- мантиқий операцияларни бажариш (мантиқий элементлар),
- сигналларни тақсимлаш (тақсимлагич ва коммутаторлар),
- сигналларни сақлаш (хотира ва сақлаш элементлари),
- программали сигналларни ҳосил қилиш (программали элементлар),
- бевосита жараёнга таъсир қилувчи воситалар (ижрочи элементлар).



**Қишлоқ ва сув хұжалиғи шилаб чиқарии жараёнларини автоматлаштиришининг долзарб масалалари**

Назорат қилинадиган катталиклар	<b>Механик</b>	Датчиклар турлари												
		Электрик датчиклар												
		Потенциометрик	Тензорометрик	Индуктив	Терморезистори	Синим	Фоторезистори	Электрон	Индукцион	Пьезоэлектрик	Термоэлектри	Холл датчиклари	Фотоэлектрик	Гидравлик
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Силжиш	+	+	+	+	-	+	-	+	-	-	-	+	+	+
2. Сатх	+	+	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+
3. Тезлик	+	-	-	-	+	+	-	-	+	-	-	-	+	+
4. Тезланиш	+	-	+	-	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-
5. Күч	+	+	+	+	-	+	+	+	+	+	-	+	-	-
6. Босим	+	-	+	+	-	+	-	+	-	+	-	+	-	+
7. Момент	-	+	+	+	-	+	+	-	-	-	-	-	+	+
8. Намлык	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-	-	+	-	-
9. Харорат	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-	-	+	-	-
10. Сарф	-	+	-	+	-	-	+	-	+	-	-	-	-	+
11. Тебраниш	-	+	+	+	-	+	-	-	+	+	-	+	-	-

**Изоҳ:** + назорат қиласы, - назорат қилмайды

**Технологик жараёнларни марказлаштирилган назорат ва  
автоматлаштирилган бошқарув тизимлари.  
Режа.**

1. Умумий түшунчалар
2. Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарув тизимлари
3. Автоматиканинг принципиал схемалари.

**Таянч иборалар:** автоматлаштириши, автоматика, электромеханик, термоелектрик, пневмоелектрик, фотоелектрик.

## 1. Үмумий түшунчалар


Марказлаштирилган назорат тизими (МНТ) түшунчаси диспетчерлик пунктида ўрнатыладиган марказлашган махсус қурилмаларида назорат натижаларини күрсатған ҳолда технологик жараёнлар қўрсаткичларини автоматик равишда назорат қилишни англаради.

Марказлаштирилган назорат тизими (МНТ) қўйидаги мақсадлар учун хизмат қиласди:

- ёруғлики ва товушли сигнализация орқали назорат қилинаётган кўрсаткичларни белгиланган қийматларига нисбатан ўзгаришларини аниқлаш ҳамда бу ўзгаришларни рақамли рўйхатга олиш;
- оператор топшириги бўйича назорат қилинаётган кўрсаткичларни ўлчаш ва ўлчов натижаларини стрелкали ёки рақамли кўрсаткичда намоён қилиш;
- технологик жараённи характерлайдиган техник-иктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва унинг натижаларини рўйхатга олиш ҳада бошқарилаётган машина ёки механизмга топшириқ бериш.

Марказлаштирилган назорат натижалари бўйича “одам-оператор” ишлаб чиқарыш жарёнини бориши ва унга ўзгартаришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қиласди. Қабул қилинган қарорлар асосида хизмат кўрсатаётган ходим ёки оператор орқали марказлаштирилган бошқарув қурилмаси ёрдамида ёки бошқариш қурилмаларини қўллаган ҳолда жарён автоматик равишда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини технологик жараёнлари мураккаблиги ва кўп қирралилиги сабабли марказлаштирилган назорат тизимлари ва марказлашлган бошқарув қурилмалари орасидаги алоқа асосан “оператор-диспетчер” орқали амалга оширилади (1-расм).



1 – расм.	Жиҳозлар ишчи сигнализация, алоҳа воситалари	Жиҳозлар ишчи сигнализация, алоҳа воситалари	Жиҳозлар ишчи сигнализация, алоҳа воситалари
-----------	--	--	--

ДА – диспетчерлик алоқаси, СН – сигнализация назорати, АТА – дистанцион бошқарув; ТБ – телемеханик бошқарув, ТҮ – телемеханик ўлчов, ТС – телемеханик сигнализация.

Марказлаштирилган назорат тизимларида (МНТ) бошқариш техникалари ва технологияларини тез суратлар билан ривожланиб бораётганлиги сабабли бугунги кунда Марказлаштирилган назорат тизимлари (МНТ) ўрнига Технологик жараёнларни автоматик бошқарув тизимлари (ТЖАБТ) қўлланилиб келинмоқда.

## **2. Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарув тизимлари**

Технологик жараёнларни автоматик бошқарув тизимлари (ТЖАБТ) мажмуасига хўжалик-иқтисодий маълумотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш ва узатиш учун мўлжалланган ахборот-хисоблаш қурилмалари ҳамда хисоблаш марказлари тизимига эга бўлган алоқа линиялари киради.

Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарув тизимлари (ТЖАБТ) марказлаштирилган назорат тизимларига (МНТ) нисбатан анчагина кўпроқ функцияларга эга, жумладан:

- оралиқ ва якуний технологик ва иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қиласида ва уларни рўйхатга олади;
- технологик режимларнинг оптимал кўрсаткичларини аниқлайди ва оптимал режим ҳосил қилишни таъминлайдиган бошқариш сигналларини ҳосил қиласида ва жараёнга топшириқлар беради;
- технологик жараёнларда рўй берадиган ўзгаришларни тўғрилайди.

Юқорида қайд этилган бошқариш функцияларини бажариш фақатгина электрон ҳисоблаш машиналари (компьютерли бошқарув) орқали амалга оширилиши ва улар тўрт хил режимда ишлаши мумкин:

1. Маълуотларни тўплаш ва уларни қайта ишлаш.
2. Оператор маслаҳатчиси.
3. Супервайзерли бошқариш.
4. Алоқасиз бошқариш режимлари.

Маълумки, электр энергияси шундай ноёб ва уни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш мураккаб жараён ҳисобланади. Шу билан бирга электр энергиясига бўлган талаб йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Булардан ташқари электр энергиясини маълум омборхоналарда сақлаб бўлмайди ва ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини фақатгина ишлатиш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг энергетика тизими қўшни давлатлар энергетика тизими билан узвий боғланганлиги сабабли ички энергетика тизимлари ва уларнинг субъектларини назорат қилиш қабул қилинган “Халқаро меъёрлар ва қоидалар”га жавоб бериши шарт. Шу сабабли бугунги

## **Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнларини автоматлаштиришининг долзарб масалалари**

куннинг асосий вазифаларидан бири энергоназоратни автоматлаштириш ҳажмлари ва электр энергиясини тижоратли (коммерческий) назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларининг (ЭТНҚАТ) техник ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш масалаларини кўриб чиқишдан иборатdir.

Электр энергиясини тижоратли (коммерческий) назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини (ЭТНҚАТ) қўлланилиши қўйидаги иқтисодий афзалликлардан иборат:

- дифференциялашган вақт таърифи бўйича ҳисоб-китобга ўтиш;
- электр энергиясини ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказиб беришдаги нобалансларни ҳисоблаш;
- электр энергиясини йўқолишлари ва ўғриланишларини ўз вақтида аниқлаш;
- энергоназорат тизимида ишлаётган ходимларнинг жавобгарлик даражасини ошиши ва ортиқча ходимлар сонини қисқариши.


Бугунги ва эртанги куннинг янада долзарб вазифаларидан бири бу энергетика тизимларида “Электр энергиясини тижоратли (коммерческий) назорат қилишнинг автоматлаштирилган маълумот-ўлчов тизимларини (ЭТНҚАМЎТ) қўллашдир.

Ушбу тизимни ишончли ишлаши учун қўйидаги элементлар ва техник воситалар билан таъминланган бўлиши керак:

- ўлчов трансформаторлари;
- интерфейс ракамли кўп функцияли микропроцессорли электрон счетчиклар;
- замонавий саноат контроллерлари базасидаги маълумотларни тўплаш ва узатиш қурилмалари;
- ўлчов-ҳисоблаш мажмуалари (маълумотларни тўплаш маркази);
- аниқ вақт сигналини қабул қилиш ва синхронлаш қурилмаси;
- автоматлаштирилган иш жойлари;
- замонавий компьютерлар ва маҳсус дастурлар ва бошқалар.
- 

### **3. Автоматиканинг принципиал схемалари**

Принципиал схемалар элементларнинг ўзаро электрик уланишларни ифодалайди улар функционал схемалар асосида яратилади. Ушбу турдаги схемаларда автоматика элементлари давлат стандартларига биноан белгиланади. Принципиал схемалар барча элементлар ва улар орасидаги боғланишларни ҳамда схеманинг иш принциплари тўғрисида аниқ тушунчалар беради (1.4.-расм).



**3- расм. Автоматиканинг принципиал схемасига мисол.**

Умумий ҳолда автоматлаштиришнинг принципиал электр схемалари қуидагиларда ташкил толади:

1. ШНҚ 2.701-84 “Схемалар шакли ва турларини бажаришга асосий талаблар”
2. ШНҚ 2.702-75 “Электрик схемаларни бажариш қоидалари”
3. ГОСТ 2.708-81 “Рақамлы ҳисоблаш техникасининг электрик схемаларни бажариш қоидалари”

Принципиал схемаларни яратышда биринчи навбатда қуидаги норматив (меъёрий) хужжатлар қўлланилади:

1. Элементлар ва улар орасидаги алоқанинг шартли белгиланиши.
2. Тушунтириш ёзувлари.
3. Схемадаги алоқида элементларнинг бўлаги.
4. Контактларни алмаштириш (переключение) диаграммаси.
5. Схемада ишлатиладиган асбоблар, воситалар ва аппаратуралар рўйхати
6. Схемага оид чизмалар рўйхати, умумий тушунчалар ва изоқлар

Принципиал электрик схемаларни бажаришда шартли график ва ҳарф-рақамли белгиланишлар қўлланилади (4,5-иловалар).

Принципиал схемаларни бажаришда листнинг чап томонига асосий схема, кейин схемани ишлаш принципини акс эттирадиган график материаллар (циклограммалар, диаграммалар, контактларни қўшиш ва бошқалар) ҳамда ўнг томонига текст материалларини жойлаштириш тавсия этилади.

Принципиал схемалар қуришда асосан қаторли усулдан фойдаланилади. Бунда элементларнинг шартли график белгиланишлари кетма-кет кўрсатилади, асоҳида занжирлар эса паралел қатор шаклида унга

## Қишлоқ ва сув хұжалиғи ишилаб чықарған жарағындарини автоматлаштиришининг долзарб масалалари

яқин жалаштирилади. Энг оддий принципиал электрик схема 1.4-расмда күрсатилган.


Принципиал схемаларда 3 фаза ток занжирлари

- А, В, С; бир фазали ток занжирлари
- А, N; B, N; C, N; ва икки фазали ток занжирлари – А,В; В,С; С,А харфлари билан белгиланади.

Принципиал электрик схемаларда электр занжирларни коммуникацияси учун күп позицияси аппаратлар (ключлар, переключателлар, программали қурилмалар) күлланилади. Бу ҳолатда схемада контактларни қайта қүшиш диаграммалари ва жадваллари ҳам көлтирилади. Жадвалларда аппараттинг ва рукояткани тури, контактлар номери ва иш режимлари көлтирилади.

Принципиал электрик схемаларда күрсатиладиган күп позицияси қурилмаларнинг техник характеристикаси 9.5-расмда көлтирилган

Мнемогик электрик схемаларда ифодаланадиган элементлар түғрисидаги маълумотлар “элементлар ва қурилмалар рўйхати” жадвалига тўлдирилади ва бу жадвал листнинг ўнг томонига жойлаштирилади (9.9-жадвал).



УП5311С23								
Секциял ап №	Контактлар №		$-45^0$		$0^0$		$+45^0$	
	Л	П	Л	П	Л	П	Л	П
I	1	2					X	X
II	6	4	X	X				
Иш режимини танлаш					Дистан- цион қўл били бошқа- риш	Ўчи- риш	Авто- матик бош- қариш	
Шартли белгиланиш <sup>2)</sup>					Д	О	А	

### 9.5-расм Принципиал электрик схемаларда күрсатиладиган күп позицияли қурилмаларнинг техник характеристикалари :

- а) – коммуникациялар занжири;
- б) – переключателарни ростлаш пластикаси;
- в) – переключателларни монтаж белгилаш;
- г) – алмаштириб улаш (переключателлар) диаграмаси.

## **9.9 – жадвал. Жадвал элементлар ва қурилмалар рүйхати.**

<b>Элементларнинг позицион белгиланиши</b>	<b>Элементларнинг номланиши</b>	<b>Сони</b>	<b>Изоҳ</b>
KM	Магнитли ишга туширгич ПМЕ – 1	1	
M	Асинхрон электродвигатель 4AS2Y3	1	
KK	Иссиқлик релеси ТУФЕ – 5	1	
HL	Сигнал лампаси НВВГХХХ02	2	
QF	Автоматик выключатель АК 63	1	
SA1	Қайта құшгич (Переключатель) АБВГХХХ 154	1	
R1,R2	Резисторлар ММ-1.25-120 ом ± 10	2	
C1,C2	Конденсатор KM – 3A – 30-0.22.ТУ	2	

### **9.2.4. Автоматиканинг монтаж схемалари**

Автоматиканинг монтаж (богланиш) схемалари мосламалар орасидаги ташқи уланишларни ёки мослама ичидағи элементларни ўзаро уланишларни ифодалайды. Ушбу схемалар монтаж ишларини бажараётганды ишчи чизмалар сифатида қўлланилади.

Богланиш (монтаж) схемаси - бу автоматлаштирилётган қурилмалар ёки жихозларининг асосий қисмларини боғланишини акс эттирадиган схема туридир. Боғланиш схемалари функционал ва принципиал электрик схемалар асосида яратилади ва улар объектнинг монтаж ва наладка ишларини бажаришда хамда эксплуатация жараёнларида қўлланилади.

Боғланиш схемаларини бажариш қуйидаги умумий қоидалар асосида амалга оширилади :

1. Боғланиш схемалари битта шитга, пультга ва бошқариш станцияга тузилади.

2. Принципиал электрик схемаларда режалаштирилган барча турдаги аппаратлар асбоблар ва арматуралар монтаж схемаларда тўла холатда ёритилиши зарур.

3. Принципиал электр схемаларда қабул қилинган асбоблар ва автоматлаштириш воситаларининг позицияли белгиланиши хамда занжирлар тармоғининг маркаланиши боғланиш схемада сақланиши керак.

Боғланиш схемаларини тузишнинг уч хил усули мавжуд: График. адресли ва жадвалли.

Боғланиш схемасини тузишнинг график усулида схемада аппаратлар элементларининг бир-бирлари билан барча боғланишлари шартли чизиклар билан (линиялар) кўрсатилади. Бу усул кам аппаратурали шитлар ва пультлар учунгина кўланилади.

Трубопровод схемалари факат график усулда бажарилади .Агар битта шитда ёки пультда турли хил материалдан ясалган трубалар ётқизилган бўлса у холда уларни шартли белгиланишида хар хил турдаги линиялар (чизиклар) ишлатилади (9.10-жадвал).

### **9.10-жадвал. Монтаж схемаларини график усулида белгиланишига мисол**

Занжир рақами	Боғланиши
7	$KM1 - \frac{KM2}{6} - \frac{KT4}{4}$
8	$\frac{KM4}{2} - \frac{XT1}{293}$
9	$\frac{XT1}{328} - \frac{HL1}{1} - \frac{KH2}{12} - \frac{XT2}{307}$

Изоҳ : Масалан 7 – занжир учун ёзув куйидагича изоҳланади : КМ1 магнитли пускателнинг зажими (6), КМ2 магнитли пускателининг зажими (4) билан боғланади ва уз навбатида КМ4 вакт релесининг зажими (3) билан боғланиши керак.

ХТ - ёйма (разбор) боғланиши (контактли боғланиши ).

HL - чирокли сигнализацияли асбоб .

КН – курсатиш релеси .

Жадвалли усулнинг иккинчи варианти куйидагича белгиланади (9.11- жадвал).

### **9.11-жадвал. Монтаж схемаларининг жадвалли усулига мисол**

Ўтказувчан (сим. кабел..) номери	Қаердан келади	Қаерга келади	Сим ёки кабелнинг маркаси ва киймати	Изоҳ.
1	$\frac{XT3}{1}$	$\frac{SA1}{1}$	ПВ1x0.75	П
2	$\frac{SA1}{1}$	$\frac{SA1}{3}$	ПВ1x0.75	П
3	$\frac{SB1}{12}$	$\frac{SB1}{13}$	ПВ1x0.75	
4	$\frac{SB1}{13}$	$\frac{XT3}{7}$	ПВ1x0.75	

Изоҳ: Масалан аппаратда бажариладиган «перемычка» «П» харфи билан белгиланган.

SA – выключатель (ёки переключатель)


SB – кнопкали выключатель

ХТ - контактли боғланиш.

Адрессли усули монтаж схемаларини тузишнинг асосий ва энг кўп тарқалган усулидир. Адрессли усулда элементларнинг бир – бири билан чизиқли боғланишлари кўрсатилмайди ва бунинг ўрнига симларнинг боғланиш жойларига хар бир аппарат ёки элементга уларнинг ракамли ёки харф - ракамли адреси белгиланади.

**Қишлоқ ва сув хұжалиғи шилаб чиқарииш жараёнын автоматлаштиришининг долзарб масалалари**

Жадвал усули икки хил вариантда қўлланилади . Биринчи вариантда монтаж жадвали тузилади ва бунда ҳар бир электрик занжирнинг тартиб рақами ҳамда барча асбоб аппаратлар ва уларнинг контакларини ҳарф –рақам белгиланишлари кўрсатилади.(жадвал).



**9.6- расм. Автоматиканинг монтаж схемасига мисол.**

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ.**

**Кишлоқ ва сув хўжалигига қўлланиладиган ёритиш хамда нурлатиш қурилмалари.**

**Режа:**

1. Ёритгичларнинг таснифлари ва асосий тавсифлари.
2. Кишлоқ ва сув хўжалигига қўлланиладиган нурлатгичлар.

**Таянч иборалар:** *автоматлаштириши, автоматика, электромеханик, термоэлектрик, пневмоэлектрик, фотоэлектрик.*

### **1. Ёритгичларнинг таснифлари ва асосий тавсифлари.**

Кўпгина ёруғлик манбалари катта ёрқинликка эга бўлганликлари учун кўзни уларнинг қамаштиришидан химоя қилиш талаб қилинади. Бундан ташқари ёруғлик манбалари, одатда ўзининг ёруғлик оқимини хар томонга тарқатгани учун уни ёритилаётган юзага йўналтириш керак бўлади. Кўпинча ёруғлик манбаларини механиқ шикастланишдан ва атроф мухитнинг салбий таъсиридан химоя қилишга тўғри келади. Бу вазифаларини бажариш учун ёритиш қурилмалари ишлатилади. *Ёритиши қурилмалари* деб ёруғлик манбаи ва уни ўрнатиш, тармоққа улаш, ёруғлик оқимини teng тақсимлаш, кўзни қамаштиришдан чеклаш, механик шикастланиш ва атроф-мухит таъсиридан сақлаш учун мўлжалланган усқуналар йигиндисига айтилади.

Объектларни ёритишга мўлжалланган ва улардан анча ўзоқ бўлмаган масофада жойлашган (ёруғлик асбоби ўлчамидан 20 марта кичик) ёритиш қурилмасига ёритгич дейилади ундан ўзокроқ жойлашганига эса-пројектор.

*Ёритгичлар* куйидаги белгилар билан таснифланади:

- ишлатилиш жойига қараб;
- тузилиши бўйича;
- ўрнатиш усулига қараб;
- ёруғлик тарқатиш тавсифи бўйича.

*Ишлатиши жойига қараб* ёритгичлар ёпиқ хоналарни, очиқ майдонларни ёритиш хамда кемалар, темир йўл транспортлари, автомобиллар учун ишлатиладиган ёритгичларга бўлинади.

*Тузилишига қараб* ёритгичлар атроф мухитни заарли факторлардан химоя қилиш даражасига қараб таснифланади, масалан, чангдан уч синфга: чангдан химоя қилинмаган, чангдан химоя қилинган ва чанг ўта олмайдиган; намлик бўйича саккиз синфга: сувдан химояланмаган, томчининг сачрашидан химояланган, герметикланган ва х.к. Ёритгичларнинг тузилиши ёнгин хавфсизлигини таъминлаш даражасига хам боғлиқ. Улар ёритгичлар ўрнатиладиган таянч юзаларнинг ёниш даражаси билан аниқланади.

Портлашдан химояланиш күрсатгичига караб, ёритгичлар портлашга қарши юқори чидамли, портлашдан хавфсизланган, ўта портлашдан хавфсизланганларга бўлинади.



Ўрнатиши усулига қараб ёритгичлар: осма (илинадиган), шифтга ўрнатиладиган, оралиққа ўрнатиладиган, деворга ўрнатиладиган, столда турадиган ва бошқаларга бўлинади.

Хар бир ёритгичнинг асосий тавсифлари қўйидагилардан иборат:

- 1) ёруғлик тарқатиш;
- 2) химоя бурчаги;
- 3) фойдали иш коэффициенти.

Умумий ёритиши ёритгичларининг ёруғлик тарқатиши, ёруғлик кучининг бўйлама эгри чизиқларида баён қилинади.(10. 1, а-расм).

Кўпинча симметрия ўқига нисбатан ёруғлик оқими текисликларда симметрик тарқаладиган ёритгичлар учрайди, яъни вертикал билан  $\alpha$  бурчак хосил қилувчи ёруғлик кучи хамма йўналишларда бир хил бўлади (руҳсат этилган хатоликлар чегарасида). Бундай ёритгичлар учун симметрия ўқи орқали ўтувчи қандайдир текислиқдаги ёруғлик оқимининг тарқалишини кўрсатиш етарлидир.



10.1-расм. Ёритгичларнинг ёруғлик тарқатиш тавсифи: а- ёруғлик тарқатишнинг бўйлама эгри чизиғи; б- ёритгичларнинг ёруғлик тарқатиш кўринишлари: К-концентрлашган; Г-чуқур; Д-косинусли; М-бир хил тенгликда; Ш-кенг; С-синусли; Л-яrim кенг (1000 лм ёруғлик оқими бўлган манба учун).

10.1б-расмда хар хил ёритгичларнинг ёруғлик кучларини ўрнатилган эгри чизиқлари келтирилган.

Махаллий ёритиши ёритгичлари ўзлари хосил қилаётган ёритилганликларни ёритилаётган юзага тарқалишига боғликлити билан

## Кишилөк ва сув хұжалиғи ишлаб чықарған жарапаёнларини автоматлаштиришининг долзарб масалалари

тавсифланади. Юқори ва пастки ярим сферага ёруғлик оқимининг қайси қисми нурланаётганига қараб ёритгичлар қуидаги тавсифланади:


- *түгри ёруғли ёритгичлар* - пастки ярим сферага хамма нурланиш оқимининг 80% кам бўлмагани тушади;
- *асосан түгри ёруғ берувчи ёритгичлар* - пастки ярим сферага хамма нурланиш оқимининг 60 дан 80% гача тушади;
- *ёруғи тарқалган ёритгичлар* - хар бир ярим сферага хамма нурланиш оқимининг 40 дан 60% тушади;
- *ёруғи асосан қайтарилган ёритгичлар* – юқори ярим сферага хамма нурланиш оқимининг 80% кам бўлмагани тушади.

Хар хил турдаги ёритгичларнинг маълумотномалардаги ёруғлик тарқатиш эгри чизиқлари ёруғлик оқими 1000 лм бўлган шартли лампа учун берилган бўлиб, бошқа ёруғлик оқимига эга бўлган лампаларнинг ёруғлик кучини ўша эгри чизиқлар орқали қайта хисоблаш йўли билан аниқланади. Бунда хар хил қувватли лампалари бўлган ёритгичларнинг ёруғлик кучи ва ёруғлик оқими орасидаги пропорционал боғликлар бор деб хисобланади. Ёруғлик оқими 1000 лм бўлмаган лампали ёритгичнинг  $\alpha$  бурчаги орасидаги ёруғлик кучи қуидаги ифодадан аниқланиши мумкин:

$$I_\alpha = I_{\alpha 0} F / 1000, \quad (10.1)$$

бунда  $I_{\alpha 0}$  - ёруғлик оқими 1000 лм бўлган шартли лампали ёритгичнинг ёруғлик кучи, кд;  $F$ -ёритгичда амалда ишлатилаётган лампанинг ёруғлик оқими, лм.

*Химоя бурчаги*, деб горизонтал чизиқ билан кайтаргичнинг қарама-қарши чеккасини чўғланма спиралнинг охирги нуқтасини билан бирлаштирувчи чизиқ орасидаги бурчакга айтилади ва ёруғлик манбаини кўзни қамаштиришидан сақлайди.



10.2-расм. Ёритгичнинг химоя бурчаги.

*Химоя бурчагининг қиймати ёритгичнинг тузилишига боғлик бўлиб қуидаги формула билан аниқлаш мумкин* (10.2-расм)

$$\gamma = \arctg 2h / D + d. \quad (10.2)$$


Қўлланилаётган ёритгичларнинг химоя бурчаги одатда  $12^0$  дан  $40^0$  гача бўлади. Химоя бурчаги тушунчаси, шартли бўлса хам, ялтироқ материалли кайтаргичларга хам қўлланилади.

Ёритгичнинг фойдали иш коэффициенти - ёритгич ёруғлик оқимини ёруғлик манбайнинг ёруғлик оқимиға нисбати билан аниқланади:

$$\eta = F_{\text{еп}} / F_{\text{л}} . \quad (11.3)$$



Ёритгичнинг ФИК қиймати унинг иқтисодлилігіні тавсифлайды ва ёритиши арматурасыннинг материалына, хамда умуман ёритгич конструкциясына боғлиқ. Амалда құлланилаёттан ёритгичларнинг ФИК 0,45 дан 0,9 бўлади.

10.3...10.5-расмларда қишлоқ ва сув хұжалиғи ишлаб чиқаришида құлланиладиган чўғланма ва люминесцент лампали ёритгичларнинг турлари келтирилган.



10.3-расм. «Астра-1(11,12)» туридаги ёритгичлар: а-умумий қўриниши; б- ёруғлик тарқатиш тавсифи; 1-эмал қопланган пўлат қайтаргич; 2- пластмасс корпус; 3-ёритгич қисқичлари учун қопқоқ.

10.4-расм. НСП-01-10 ёритгичи: а-умумий қўришиши; б- ёруғлик тарқатиш тавсифи; 1-чизиқлаштирилган шишадан ясалган химоя қалпоқ; 2- қалпоқни қотириш мосламалари; 3-саклагич болти; 4-металл корпус; 5-сақловчи илгич.



## Кишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқарни жараёнларини автоматлаштиришининг долзарб масалалари

10.5-расм. ПВЛМ2х40 ёритгичи: а-умумий кўриниши; б- ёруғлик тарқатиш тавсифи; 1-зичлаштирилган лампа патрони; 2-корпус; 3-соя қилувчи тўсиқ; 4-симлар ўтадиган салник корпуси; 5-бўйлама текисликда ёруғликни тарқалиши; 6- кўндаланг текисликда ёруғликни тарқалиши.

Давлат стандарти бўйича хар бир турдаги ёритгичларга ўзининг шифри берилади, улар учта харфдан ва уч гурухли сондан иборат:

бунда <i>тури:</i> А- Н-	<b>A</b>	<b>B</b>	<b>Д</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<i>манба</i> <i>чўғланма</i>

лампалар; С-ёритгич лампалар (колбаси ойналаштирилган ва диффузсимон); И-кварц галогенли чўғланма лампалар; Л-тўғри трубкасимон люминесцент лампалар; Р-ДРЛ симобли лампалар; Г-ДРИ симобли лампалар; *B-ўрнатиши* усули: С-илинадиган; П-шипга ўрнатиладиган; Б-деворга ўрнатиладиган; В-қаторга қўйиладиган; К-консолсимон; Р-тармоқга уланадиган қўлда олиб юриладиган; Ф-қўлда олиб юриладиган аккумуляторли.; *D-вазифаси-асосий мўлжалланиши:* П-саноат корхоналари учун; Р-шахта ва конлар учун; О-жамоат бинолари учун; СХ-кишлоқ ва сув хўжалиги учун ва х.к. ; 1,2-ёритгич сериясининг(01-99) тартиб раками; 3-ёритгичдаги лампалар сони (агар улар биттадан кўп бўлса сон қўйилади 2,3 ва х.к. ), 4-лампанинг қуввати.

Бу белгиланишлар билан бир қаторда айрим ёритгичларнинг, шартли белгиланишлардан кейин, фирма номи ёки тартиб рақамлари хам қўйилиши мумкин (масалан, Астра 1, ПВЛМ). Давлат стандарти бўйича ёритгични белгиланишига мисол: НСПО5-500-016-43 – қуввати 500 Вт бўлган битта лампали, илинадиган, саноат корхоналари учун, 05-сериядаги, 016-модификацияли, иқлимга мўлжаллаб бажарилган ва УЗ ўрнатиш коэффициентли ёритгич.

*Прожектор* -объект ёки юзаларни масофадан туриб ёритишига мўлжалланган ёритиш ускуналари. Прожекторларнинг типи қўйидагича белгиланади: ПЗС-шиша кайтаргичли ботик ёруғликли прожектор; ПСМ-металл кайтаргичли ўртacha ёруғлик тарқатувчи прожектор. ПФС-максус 1Ф-C51 патрон ёрдамида лампа оқимининг фокусини тўғриловчи ПЖ типидаги максус лампали прожектор. ПЗР- ДРЛ лампали прожектор; ПКН-галоген чўғланма лампали прожектор. Прожекторларнинг асосий тавсифлари 10.1-жадвалда келтирилган.

### Прожекторлар тавсифи.

### 10.1-жадвал.

Прожектор тuri	Лампа тuri	FIK %	Максимал ёруғлик кучи, ккд	Текисликдаги тарқалиш бурчаги, градус.		Рухсат этилган баландлик, м
				горизонтал	вертикал	
ПЗС-25	Г220-200	27	16	16	12	7,5

## Кишлоқ ва сув хұжалиғи ишлаб чиқарыши жарапаёнларини автоматлаштиришининг долзарб масалалари


ПЗС-35	Г220-500	27	50	21	19	13,0
ПЗС-45	Г220-1000	27	130	26	24	21,0
	Г220-1500	27	225	25	26	28,0
	ДРЛ-700	-	40	100	100	12,0
ПСМ-30-1	Г220-200	33	33	16	10	10,0
ПЗР-250	ДРЛ-250	-	11	60	60	6,0
ПЗР-400	ДРЛ-400	-	19	60	60	8,0
ПСМ-50	Г220-1000	35	100	25	25	18,0
	ДРЛ-700	-	52	100	100	13,0
ПСМ-40-1	Г220-500	35	70	19	19	15,0
ПКН-1000-1	КГ220-1000-5	60	52	92	18	13,0
ПКН-1500-1	КГ-220-1500	60	90	92	29	17,0
ПКН-2000-1	КГ220-2000-4	60	25	104	16	20,0

Прожекторнинг оптик ўқига перпендикуляр бўлган ва прожектордан 1м масофада турувчи текислик учун нисбий графиклар изолюкслари прожекторнинг асосий ёруғлик техник тавсифидир.

## 2. Кишлок ва сув хужалигига қўлланиладиган нурлатгичлар.

Энергетика саноатида кишлоқ ва сув хужалиги ишлаб чиқаришининг хар-хил жараёнларида ишлатишга мўлжалланган бир катор нурлатгичларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Сунъий шароитларда ўсимликларни ўстиришда ОТ-400 иссиқхона нурлатгичи ДРЛФ 400 лампаси билан биргаликда қўлланилади. (10.6,а-расм).



10.6-расм. ОТ-400 теплица нурлатгичи: а-умумий куриниши; б-нурланишнинг фазовий зичлигини тарқалиш тавсифи; 1-илиш узели, 2-нурланиш манбани ИТА; 3- зичланган чинни патрон; 4- нурлатгични электр билан таъминлаш кабели; 5-ДРЛФ-400 лампаси.


Газразряд лампани балласт қурилмаси жойлаштирилган корпус 2 иссиқга чидамли силикон резинадан тайёрланган зичлагич билан форфор патрон Зга уланган. Илиш узели1, икки қисмли кабель 4 билан таъминланган: бири уч штирли вилкадан иборат, иккинчисида эса уч уяли розеткадан.

Нурлатгичлар 220В күчланишли тармоқта уланади. Нурлатгичлар иккى модификацияда ишлаб чыкарилады: ОТ 400И-индуктив балласт қурилмали, ОТ 400Е – индуктив-сиғим балласт қурилмали. Иккала модификация хам ўртача 0,5 қувват коэффициентига эга, аммо бирида ток күчланишдан ортда қолади, иккінчисіда эса олдинга кетади, шунинг учун бу эса иккала модификацияни биргаликда ишлатганимизда нурлатиш қурилмасининг қувват коэффициентини бирга ( $\cos\phi \approx 1$ ) яқинроқ бўлишига эришимиз мумкин. ОТ400Ининг оғирлиги-5кг, ОТ-400Е -7кг. ОТ-400 нурлатгичи нурланиш оқимининг фазовий тарқалиши 10.6,6-расмда кўрсатилган. ДРФ-1000 ўсимликшунослик лампалари учун ОТ-1000 нурлатгичлари чыкарилмоқда.

Ўсимликшуносликда ишлатиладиган нурланиш манбалари ЛФ, ДКСТ лампалари учун нурлатгичлар яратилаяпди, лекин хозирча айрим сабабларга кўра улар саноатда чыкарилмаяпти.

Стационар шароитда ультрабинафша нурларини нурлатиш учун ЛЭ30-1 лампали ЭО1-30м нурлатгичлари ишлатилмоқда. Нурлатгич қайтаргичи пўлат листдан ясалган бўлиб унинг юзаси УБ нурларини қайтарувчи юқори қайтариш коэффициентига эга бўлган антикоррозияли буёқ билан қопланган.

10.7-расмда нурлатгич нурланиш оқимининг фазовий тарқалиши курсатилган.



10.7-расм. ЭО 1-30 нурлатгичи УБ нурланиш фазовий зичлигининг нисбий тарқалиши: 1-кўндаланг текислиқда; 2-буйлама текислиқда.

Нурлатгич корпусида лампа патрони ва унинг ишга тушириш аппаратлари жойлашган. Лампани улашда ва ишлашида индуктив балласти симметрлаштирилган стандарт стартерли схема ишлатилади.

ДРТ-400 лампали ОРК-2 ва ОРКЩ симоб-кварцли нурлатгичлар парранда, хайвонларни профилактика қилиш ва даволаш учун нурлатишда, хамда тухумларга инкубациядан олдин ишлов беришда хизмат киласиди. Нурлатгичлар қайтаргич лампаси билан ва ИТА иборат бўлиб улар ўзаро эгилувчан кабель орқали уланган. ОРКЩ нурлатгичнинг лампали қайтаргичи маҳсус устунда жойлашган, ОРК-2 нурлатгичиники эса қисқичлар ёрдамида хонанинг технологик ёки курилиш конструкцияларига маҳкамланади. ДРТ 400 лампали УФО-1x400, УФОЗ-1x400 нурлатгичлари УО-4 ва УОК-1 УБ нурлатиш қурилмаларида ишлатилади.


Хоналарни ёритишида ва УБ нурлари билан нурлатишида ОЭСП 02-2Х40 ёритгич-нурлатгичи қўлланилади. Тузилиши бўйича улар ПВЛМ-2Х40 ёритгичларига ўхшаш, лекин қўшимча ЛБР-40 люминесцент лампаси ва ЛЭР 40 эритем лампаси билан таъминланган. Ёритгич-нурлатгичнинг электр схемаси ёритиш ва эритема лампаларини алоҳида улашга имкон беради. Ёритгич-нурлатгични индивидуал равишида крюкларда ёки тросда ўрнатиш мумкин, унинг корпуси ичига чанг ва нам тушишидан химояланган. Симларни корпусга юқоридан ёки ёнидан салниклар орқали киритиш мумкин. Ёритгич-нурлатгич химоя бурчаги  $15^{\circ}$  ли экран панжара билан жихозланган. Ёритгич-нурлатгич оғирлиги 9,5кг.

Хона хавосини заарасизлантириши учун ДБ 15 лампали ОБУ 1x15 ва ДБ30 лампали ОБУ 1x30 бактерицид нурлатгичлари қўлланилади. Нурлатгичлар зичланган корпусга эга, унга сачрашдан химояланган патрон, ИТА ва лампа учун стартер ўрнатилган. Нурлатгичлар хона деворларида шундай хисобда жойлаштирилганки, лампанинг нурланиш оқими юқорига йўналган бўлиши керак. Нурлатгичнинг оғирлиги 5 кг.

Инфрақизил нурлатиши учун нурланишнинг “қоронғу” ва “ёруғ” ИК манбалари бўлган нурлатгичлар қўлланилади.

ССП 01-250 нурлатгичи ИКЗК 220-250 лампаси билан ишлашга мўлжалланган. Тузилиши “Астра-12” ёритгичига ўхшаб кетади, Е-27 чинни патрон билан таъминланган, пастки қисми химоя тўри билан ёпилган. Нурлатгичнинг химоя бурчаги  $15^{\circ}$ , оғирлиги 2,4 кг.

Ойнали чўғланма лампаси бўлган айрим инфрақизил нурлатгичлар нурланиш оқимининг фазода тақсимланиши 10.8- расмда кўрсатилган.



10.8 расм. Лампалар нурланиш зичлигининг нисбий фазода тақсимланиши:  
1- ИКЗК 220-250; 2-ИКЗК 220=500;  
3-ПС-70/E11010-375; 4-ИКЗ 220-500;  
5-ИКЗС 220-250-1

ОРИ -1 нурлатгичи ИКЗ 220-500 лампаси билан биргаликда ишлашга мўлжалланган, унинг ўзи конуссимон пулат конструкциядан иборат бўлиб лампани механиқ шикастланишдан саклайдиган химоя тўри бор. Нурлатгич Е-40 чинни патрони билан таъминланган. Нурлатгич оғирлиги 2 кг.

Кенг қўламда чиқарилаётган “ЛатвиКО”нурлатгичи ўзида КГ220-1000-1 инфракизил кварц галоген чўғланма лампасини ўрнатилишига мўлжалланган. Нурлатгич лампани улаш учун маҳсус патрон ва пулат листдан тайёрланган

## *Кишлоқ ва сув хұйжалиғи ишлаб чықарғыш жараёнынинг автоматлаштыришининг долзарб масалалари*

қайтартгичи бўлган кутичали конструкциядан иборат. Нурлатгичнинг пастги қисми химоя тўри билан ёпилган. Нурлатгич оғирлиги 2,5 кг.

Инфракизил нурланишнинг “қоронғу” манбалари учун ОКБ-1376А нурлатгичи мўлжалланган, у ўзини юқори қисмига махкамланган учта ТЭҚ (трубкали электр қиздиргич) бўлган пўлат қобиқдан иборат. Қобиқ деворлари икки қават бўлиб, улар орасидаги бўшлиқ иссиқни химоя қилувчи масса билан тўлдирилган. Хар бир ТЭҚ қуввати 0,4 кВт, уларнинг хар бири ўзини шахсий ажратгичига эга, бу эса нурлатгич қувватини уч босқичда: 0,4; 0,8; 1,2 кВт бошқаришга имкон беради. Нурлатгич химоя тўри билан таъминланган.

Ёш хайвонлар ва паррандаларни ултрабинафша ва инфракизил нурлари билан биргаликда қизитишда ИКУФ-1 ва “Луч” нурлатиш қурилмалари ишлатилади.

## **ТЕСТ САВОЛЛАРИ.**

**1.Ички ёнув двигателларда қўлланиладиган совутиш усуллари турларини кўрсатинг?**

- A. Суюқлик билан ва ҳаво билан совутиладиган.
- B. Суюқлик билан совутиладиган
- C. Термасифон усулда совутиладиган.
- D. Ҳаво билан совутиладиган.

**2.Цилиндрнинг асосий вазифаси?**

- A. Поршен цилиндр каллаги билан бирга берк ҳажм ҳосил қиласди ва цилиндр ичидаги поршен ҳаракатланади.
- B. Берк ҳажм ҳосил қиласди
- C. Цилиндр ичидаги ёнилғи ёнади.
- D. Цилиндр ичидаги поршен ҳаракатланади

**3.Дизел двигателларидаги форсунканинг вазифаси нимадан иборат?**

- A. Цилиндрга ёқилғини заррача ҳолда пуркайди.
- B. Ёқилғи насосини ёқилғи билан таъминлайди.
- C. Ёқилғини бақдан сўриб олади.
- D. Цилиндрга ёқилғи етказиб беради.

**4.Кривошип-шатун механизмининг вазифаси нимадан иборат?**

- A. Поршенинг илгариланма-қайтма ҳаракатини тирсакли валнинг айланма ҳаракатга айлантиради
- B. Арапашма сифатини тезлаштиради.
- C. Поршенин ҳаракатга келтиради.
- D. Ички ёнув двигателнинг ҳаракатидан иборат.

**5.Цилиндр каллаги билан блок-картер орасига нима қўйилади?**

- A. Эластик материалдан ишланган зичловчи қистирмалар қўйиб зичланади.
- B. Улар орасига пўлатдан қилинган юпқа туника қўйилади.
- C. Улар орасига ҳеч нарса қўйилмайди.
- D. Улар орасига қофоз қўйилади.

**6.Поршендаги мой сидирувчи халқаларнинг вазифаси нимадан иборат?**

- A. Цилиндр деворларидаги ортиқча мойни сидириш учун хизмат қиласди.
- B. Бу халқалар газни картерга ўтказмайди.
- C. Бу халқалар двигателнинг қувватини оширади.
- D. Мой сидирувчи халқалар иссиқликни ўтказмайди.

**7.Поршенга жойлаштирилган компрессион халқаларнинг вазифаси нимадан иборат?**

- A. Поршен ва цилиндр деворлари орасидаги тирқиши зичлаш учун хизмат қиласди.
- B. Поршеннинг ейилишни олдини олади.
- C. Цилиндр девори ейилишини олдини олиш учун.
- D. Поршенин бир ҳолатда ушлаб туради.

**8.Двигателлар ёқилғи аралашмасининг тайёрланиши ва алнга олишига қўра қандай турларга бўлинади?**

- A. Дизел ва карбюраторли двигателлар.

- B. Карбюраторли двигателлар.
- C. Бир хил бўлади.
- D. Дизел двигателлар.

**9.Поршенning вазифаси нимадан иборат?**

- A. Киритиш жараёнида сийракланиш ҳосил қилиш, сиқиш жараёнида аралашма ёки ҳавони сиқиш, кенгайиш жараёнида кенгаяётган газларнинг босимини ўзига қабул қилиб уни поршен бармоғи ва шатун орқали тирсакли валга узатиш, чиқариш жараёнида эса газларни сиқиб чиқариш учун хизмат қиласди.
- B. Поршен шатун билан бирлашиб ҳаракат беради.
- C. Поршен цилиндр каллаги билан бирга ёниш камерасини ҳосил қиласди.
- D. Поршен бармоғи билан битта механизмни ташкил етади.

**10.Шатуннинг асосий вазифаси нимадан иборат?**

- A. Шатун поршен билан тирсакли вални шарнирли бирлаштиради ва поршенга тушадиган зўриқиши тирсакли валга узатади.
- B. Поршенга тушадиган зўриқиши тирсакли валга узатади.
- C. Шатун бу боғловчи механизмдир.
- D. Шатун поршен билан тирсакли вални бириктиради.

**11.Тирсакли валнинг асосий вазифаси?**

- A. Тирсакли вал поршенндан узатилаётган кучларни шатун орқали қабул қилиб уни трансмиссия қисмига узатади.
- B. Ҳаракатни трансмиссия механизмларига беради.
- C. Ҳаракатни турли механизмларга беради.
- D. Тирсакли вал поршенинлардан берилаётган кучларни шатунлар орқали қабул қиласди.

**12.Карбюраторли двигателларнинг таъминлаш системасини вазифасини кўрсатинг?**

- A. Ҳаво ва ёқилғини тозалаш, ёқилғи билан ҳавони аралаштириш, аралашмани двигател цилиндрларига керакли микдорда узатиш учун хизмат қиласди.
- B. Аралашмани двигател цилиндрларига керакли микдорда бериб туради.
- C. Ёқилғини тозалаш
- D. Ёқилғи билан ҳавони аралаштиради.

**13.Аккумулятор батареяси вазифаси нимадан иборат?**

- A. Аккумулятор батареяси двигателни юртизуб юборишда электр стартерни электр энергия билан таъминлаш. Двигател тўхтаб турганда кичик айланишлар частотасида ишлаб турганда истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлайди.
- B. Барча истемолчиларни электр энергия билан таъминлаш
- C. Фараларни электр токи билан таъминлаш
- D. Двигател тўхтаб турганда кичик айланишлар частотасида ишлаб турганда истемолчиларни электр энергия билан таъминлайди.

**14.Аккумуляторлар батареясининг пластиналари неча турдан иборат бўлади ?**

- A. Мусбат ва манфий.

- B. Манфий ва манфий.
- C. Фақат мусбат.
- D. Мусбат ва мусбат.

**15.Двигателлардаги мойлаш системасининг вазифаси?**

- A. Деталларнинг ишқаланадиган сиртига маълум температурада ва маълум босим остида мой узатиш, ҳамда юзаларда ҳосил бўлган қириндиларни ювиб кетиш ва қисман ишқаланувчи юзаларни совитиш учун хизмат қиласди.
- B. Мой юбориш учун хизмат қиласди
- C. Двигателларни ейилишдан саклайди.
- D. Мойни тозалаб туради.

**16.Ички ёнув двигателларни қандай курсаткичига қараб синфларга ажратилади?**

- A. двигателни кувватига караб
- B. цилиндр сонига караб
- C. литражига караб
- D. сиқиши даражасига караб

**17.Поршен қандай формада тайёрланади?**

- A. Кесик конус шаклда тайёрланади.
- B. Тўғри тўрт бурчак шаклда.
- C. Поршеннинг формаси бўлмайди.
- D. Цилиндр шаклида.

**18.Поршеннинг юқори ва пастги чеки нуқталар орасидаги босиб ўтган йўли нима дейилади?**

- A. Поршен йўли деб юритилади.
- B. Вақт йўли дейилади.
- C. Бундай ҳолат бўлмайди.
- D. Хеч нарса дейилмайди.

**19.Электролит тайёрлаш кислотага сув қуйиладими ёки сувга кислота ?**

- A. Дистрланган сувга кислота қуйилади
- B. Кислотага сув қуйилади
- C. Қайнатилган сувга кислота қуйилади
- D. Сувга кислота

**20.Дизелнинг асосий камчилиги нимада?**

- A. Оғир ва юргизиш қийин
- B. Хизмат кўрсатиш мураккаб
- C. Камроқ қувват ҳосил қиласди
- D. Тузилиши мураккаб

**21.Аккумулятор батареясининг ичига қандай аралашма солинади?**

- A. Электролит-суlfат кислотанинг дистилланган сувдаги эритмаси.
- B. Антифриз.
- C. Қўргошин суюқлиги.
- D. Тоза сув, спирт ва сульфат кислота.

**22.Тракторлар вазифасига кўра қандай турларга бўлинади?**

- A. Қишлоқ хўжалик тракторлари, саноат тракторлари, ўрмон ва ўрмон-саноат тракторлари
  - B. Ўрмон ва ўрмон-саноат тракторлари.
  - C. Қишлоқ хўжалик тракторлари
  - D. Саноат тракторлари.
- 23. Автомобиллар вазифасига кўра қандай синфланади?**
- A. Юк ташувчи, йўловчи ташувчи ва маҳсус автомобиллар.
  - B. Маҳсус автомобиллар.
  - C. Юк ташувчи
  - D. Йўловчи ташувчи.
- 24. Ички ёнув двигателларида цилиндрлар жойлашишига кўра қандай турларга ажралади?**
- A. Бир каторли вертикал (тик) ёки горизонтал (оппозит), V-шаклда жойлашган, юлдузсимон.
  - B. Икки қатор жойлашган.
  - C. Кўп катор бўлиб жойлашган.
  - D. Бир қатор жойлашган.
- 25. Поршен халқалари турларини кўрсатинг?**
- A. Компрессион ва мой сидирувчи халқалар.
  - B. Мой сидирувчи халқалар.
  - C. Двигателни юргизиб юборишни енгилаштиради.
  - D. Компрессион халқалар.
- 26. Двигател маҳовиги вазифасининг ифодасини кўрсатинг?**
- A. Маҳовик кенгайиш жараёнида кинетик энергияни ўзига тўплаб қолган жараёнларни бажарилиши учун уни сарфлайди, ҳамда кривошип-шатун механизм деталларини туриш нуқталаридан силжитиб двигателнинг равон ишлашини таъминлайди
  - B. Тирсакли вални айлантириш учун керак бўлган механизм.
  - C. Двигателни юргизиб юборишни енгилаштиради.
  - D. Маҳовик кинетик энергия тўплайди.
- 27. Газ тақсимлаш механизмининг вазифаси?**
- A. Киритиш жараёнида кириш туйникларни (ўз вақтида) очиқ бўлишини, сиқиши ва кенгайиш жараёнларида цилиндрнинг герметиклигини ва чиқариш жараёнида чиқариш туйникларини ўз вақтида очиқ бўлишини таъминлайди
  - B. Ёнган газларни чиқариб юборади.
  - C. Зўрлик билан ҳаво ҳайдайди.
  - D. Ташқаридан ҳавони ичкарига киритади.
- 28. Дизел двигателидаги ёқилғи насосининг вазифаси нимадан иборат?**
- A. Поршеннинг маълум ҳолатида ва маълум вақт оралиғида, двигателнинг юкланиш режимига мос ҳолда маълум миқдордаги ёқилғини юқори босимда ҳайдайди.
  - B. Форсункаларга ёқилғи етказиб туради.
  - C. Ёқилғи бир хил босим остида юборилади.
  - D. Цилиндрга ёқилғи юборади.

**29. Цилиндр гилзалари қайси ҳолда қуруқ, қайси ҳолда хўл бўлади?**

- A. Гилзалар ташки тамонидан суюқлик билан ювиб совитилаган бўлса хўл, агар йўниб кенгайтирилган блок-картерга цилиндр ўрнатилган бўлса қуруқ дейилади.
- B. Гилзалар баландлигининг ўлчами катта бўлса хўл дейилади.
- C. Двигател гилзалари умуман қуруқ ва хўл дейилмайди.
- D. Юк автомобиллари двигателида қуруқ, тракторлар двигателида хўл бўлади.

**30. Газ тақсимлаш валининг вазифаси нимадан иборат?**

- A. Тақсимлаш валида жойлашган кулачоклар ёрдамида клапанларга ҳаракат узатади.
- B. Ҳаракатни клапанларга олиб беради.
- C. Клапанларни бир хилда ишлишини таъминлайди.
- D. Ҳаракатни тақсимлайди.

**31. Карбюраторли двигателларни дизел двигателларидан фарқи нимада?**

- A. асосий ишлатиладиган ёқилғи турида
- B. цилиндрлар сонида
- C. совитиш системасини турида
- D. ҳосил қилган қувватида

**32. Ички ёнув двигатели цилиндрлар сонига кўра неча турга бўлинади?**

- A. Бир ва кўп цилиндрли.
- B. Бир цилиндрли.
- C. Тўрт цилиндрли.
- D. Кам цилиндрли.

**33. Цилиндрнинг ички томони яхши жилвирланган бўлса бу нима деб юритилади?**

- A. Цилиндр кўзгуси дейилади.
- B. Цилиндрнинг кўрсатгичи дейилади.
- C. Цилиндрнинг ишчи ҳажми дейилади.
- D. Цилиндрнинг ҳажми дейилади.

**34. Аккумуляторлар батареясида электролит сатхи химоя туридан канча юқори булиши керак?**

- A. 10-15мм
- B. 7,5-9мм
- C. 12,5-17,5мм
- D. 5-8мм

**35. Хозирги замон тракторлар ва автомобилларда қандай генераторлар қўлланилади?**

- A. Электромагнит кўзғатгичли ўзгарувчан токли уч фазали синхрон генераторлари
- B. Ўзгарувчан ва ўзгармас ток генераторлари
- C. Электромагнит қўзғалувчи ўзгармас ток генераторлари
- D. Ўзгармас ток генератори

**36. Карбюраторли двигателларга неча режимли регулятор ўрнатилиши мумкин?**

- A. Бир режимли
- B. Икки режимли икки пружинали
- C. Икки режимли икки юкчали
- D. Хамма режимли

**37. Карбюраторнинг асосий вазифаси нимадан иборат?**

- A. Аралашма тайёрлаш.
- B. Ёқилгини тозалайди.
- C. Ҳаво йўлини ўзгартиради.
- D. Ўзида ёқилги сақлайди.

**38. Центрафугада мой тозалашнинг қанақа усули қўлланилган?**

- A. Мой таркибидаги оғир заррачаларни марказдан кочма куч ёрдамида ушлаб қолиш усули қўлланилган
- B. Мойни тиндириб тозалаш усули қўлланилган
- C. Электромагнит ёрдамида заррачаларни ушлаб қолиш усули қўлланилган
- D. Мой тозалашнинг фильтрлаш усули қўлланилган

**39. Магнето бу нима?**

- A. Паст кучланишли ўзгарувчан ток генератори ва узгич - тақсимлагичли юқори кучланишли ток ишлаб чиқувчи автотрансформаторидан иборат бўлган машинадир
- B. Электр энергия ишлаб беради.
- C. Кучланиши оширади
- D. Электр энергияни кучайтиради

**40. Карбюраторнинг тезлатгич системаси қайси пайтда ишлайди?**

- A. Дроссел заслонкасини тез очганда
- B. Юкланиш ортганда
- C. Юкланиш камайганда
- D. Двигателни юргизиша